

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ИШАНКУЛОВА НИЛУФАР ФЕРУЗЖАНОВНА**

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ВА БАЧАДОН ТУГУНЛАРИ  
ШАҚЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ЖИХАТЛАРИ,  
ХАВФ ОМИЛЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ишанкулова Нилуфар Ферузжонова**

Қалқонсимон без ва бачадон тугунлари

шаклланишининг клиник диагностик

жиҳатлари, хавф омиллари..... 3

**Ишанкулова Нилуфар Ферузжановна**

Клинико-диагностические аспекты

узлообразования щитовидной железы

и матки, факторы риска..... 23

**Ishankulova Nilufar Feruzjanovna**

Clinical and diagnostic aspects of thyroid

and uterine nodule formation, risk factors..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ИШАНКУЛОВА НИЛУФАР ФЕРУЗЖАНОВНА**

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ВА БАЧАДОН ТУГУНЛАРИ  
ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ЖИХАТЛАРИ,  
ХАВФ ОМИЛЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib3121 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.endomarkaz.uz](http://www.endomarkaz.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халимова Замира Юсуфовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шамансурова Зулайхо Муралимжановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Муратова Шахло Тахиржановна**  
тиббиёт фанлари доктори, к.и.х.

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.10.01 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: [info@endomarkaz.uz](mailto:info@endomarkaz.uz) ).

Диссертация билан акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02).

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Г.А. Алимухамедова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**У.А. Мирсаидова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

**А.В. Алимов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тадқиқотнинг долзарблиги репродуктив ва перименопауза ёшидаги аёллар орасида қўл тугунлари ҳосилалари ва бачадон миомасининг юқори тарқалганлиги билан белгиланади. Юқори рейтингли журналларда чоп этилган замонавий эпидемиологик тадқиқот маълумотларига кўра, «...қалқонсимон без тугунларининг умумий тарқалиши диагностика усулига қараб фарқланади: йод билан етарлича таъминланган ҳудудларда палпация қилиш орқали аёлларнинг 5 %да аниқланса, юқори аниқликдаги УТТ текширувида умумий популяциянинг 38–52 %ини, скринингдан ўтаётган популяциянинг эса 34–66 %ини ташкил этади; бунда аёлларда устунлик (аёлларда 44,4–52,1% га нисбатан эркакларда 30,2–43,5%) ва ёш ортиши билан касалланиш кўрсаткичининг кўпайиши кузатилади...»<sup>1</sup>. Қалқонсимон без тугунли патологиясининг клиник аҳамияти 7–15% ҳолатларда ташхисланадиган хавфли жараёнларни истисно қилиш зарурати билан белгиланади, бу эса хавф даражасини стратификация қилишнинг ишончли стратегияларини талаб этади.

Бачадон миомаси репродуктив ёшидаги аёллар орасида энг кўп учрайдиган яхши сифатли ўсмалардан бири бўлиб, унинг учраши клиник популяцияларда 20–35% ни, барча визуаллаштириш (УТТ ва бошқалар) маълумотлари таҳлил қилинганда эса 68,6% гача бўлган кўрсаткични ташкил этади. Сўнгги тадқиқотларга кўра, миоманинг энг юқори тарқалиш ва касалланиш кўрсаткичлари 40–54 ёш гуруҳида қайд этилган (тарқалиши 38,6–45,4%, касалланиш эса ҳар 1000 аёл-йилга 14,7–17,9 та ҳолат). Шу билан бирга, 25–50% беморларда клиник жиҳатдан аҳамиятли бўлган белгилар — бачадондан аномал қон кетишлар, темир танқислиги анемияси, кичик чанок соҳасидаги оғриқлар ва фертиллиكنинг бузилиши кузатилади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, аёлларнинг репродуктив ва эндокрин саломатлигини муҳофаза қилиш, юқори технологияли тиббий ёрдамнинг оммабоплигини ошириш, асоратларни олдини олиш ва ногиронликни камайтириш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда гормонал, морфологик ва биомаркер кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш асосида қалқонсимон без ва бачадонда қўшма тугун ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup>, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятига тамоман янги механизмларни

<sup>1</sup> Ahmed W.M. et al. Uterine fibroids in women of childbearing age: a cross-sectional study at the primary health care corporation in Qatar // BMC Women's Health. – 2025. – V. 25. - № 1. - P. 453. - DOI: 10.1186/s12905-025-04004-7

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

жорий этиш чора-тадбирлари ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»<sup>3</sup> фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4887-сонли «Аҳоли соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>4</sup>, ПҚ–4891-сонли «Тиббий профилактиканинг самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>5</sup> қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонининг ўрганилганлик даражаси.** Қалқонсимон без ва бачадонда тугунли ҳосилалар шаклланиши муаммоси замонавий эндокринология ва гинекология фанларида энг муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Сўнгги ўн йилликларда ушбу касалликлар кўрсаткичларининг кескин ўсиши, шунингдек, дифференциал ташхислаш қийин бўлган мураккаб ҳолатлар сонининг ортиши уларни эрта ва шахсга йўналтирилган тарзда аниқлаш масаласига жаҳон илмий адабиётида катта қизиқиш уйғотмоқда (Исмаилов С.И., Рашитов М.М. 2016).

Нуфузли халқаро журналларда чоп этилган кўплаб нашрлар тугунли ҳосилаларни эрта босқичларда аниқлаш мураккаб эканлигини қайд этади ҳамда хавф даражасини стратификация қилишда молекуляр маркерлар ва кўп омилли моделларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтади. Эндокринологик, метаболик ва иммун генезига эга омилларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бироқ ҳозирги кунга қадар улар ўртасидаги қатор боғлиқликлар етарлича ўрганилмаганлигича қолмоқда. Маркерлар гуруҳи орасида ангиогенезни бошқарувчи VEGF-D ва яллиғланиш ҳамда пролифератив жараёнларда асосий рол ўйновчи TNF-алфа алоҳида ўрин тутаяди. Замонавий ишларда ушбу йўналишлар бўйича тадқиқотларни кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланади, чунки улар комплекс молекуляр диагностикани жорий этиш ва индивидуал терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш учун истиқболли имкониятларни очади (Ahmed W.M. et al. 2025).

Жаҳон адабиётида VEGF-D ва TNF-алфани тугунли патологияларни эрта ташхислаш ва даволашнинг эҳтимоллий мақсадли нишонлари сифатида ўрганишга қизиқиш тобора ортаёпти, бироқ Марказий Осиё мамлакатларида бу касалликларнинг маҳаллий кечишига доир маълумотлар етарли эмаслиги ҳам қайд этилади. Этногеографик, метаболик ва экологик омилларнинг турли вариантдаги тугунли жараён шаклланишига таъсирини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, замонавий молекуляр усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳудудий даражада комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда (Bogusławska J. et al. 2022).

Ўзбекистонда қалқонсимон без касалликларини ўрганиш узоқ ва бой тарихга эга. 1930 йиллардаёқ профессор С.А. Маъсумов раҳбарлигида

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сонли Фармони, <https://lex.uz/docs/5100677>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 10-ноябрдаги ПҚ-4887-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/5090241>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/5100663>

Республикада қалқонсимон без патологиясини ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар, шу жумладан Фарғона водийсида буқоқни комплекс таҳлил қилиш ишлари бошланган. Кейинчалик ёд танқислиги касалликларини ўрганишга академиклар ва профессорлар Тўракулов Я.Х., Исламбеков Р.К., Федорова П.И., Илясов Ш.Ш., Федосеев В.И., Мухамедов Т.М. ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Қалқонсимон без тугунли ҳосилаларининг клиникаси, диагностикаси ва терапияси масалалари проф. Исмаилов С.И., проф. Нугманова Л.Б., т.ф.н. Алимджанова Н.А. ва бошқа бир қатор етакчи мутахассислар томонидан олиб борилган.

Тўпланган фундаментал билимларга қарамай, қалқонсимон без ва бачадон тугунларининг шаклланишининг клиник, диагностик ва молекуляр жиҳатлари, шунингдек уларнинг биргаликда ривожланиш механизмлари мунозарали бўлиб қолмоқда ва тўлиқ тушунилмаган. Бу муҳим хавф омилларини аниқлаш, замонавий молекуляр маркерларни бирлаштириш ва Ўзбекистонда беморлар учун оптимал клиник диагностика алгоритмларини ишлаб чиқишга қаратилган мазкур тадқиқотни олиббориш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалиёт тиббиёт маркази эндокринология бўлимининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қалқонсимон без ва бачадонда қўшма тугун ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида гормонал, морфологик ва биомаркер кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш ва бундай беморларни олиб боришга хавф предикторларини аниқлаш ва клиник ёндашувни оптималлаштиришдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1600 нафар бемор аёлда қалқонсимон без ва бачадонда тугунли ҳосилаларни аниқлаш мақсадида скрининг текширувини ўтказиш;

TIRADS ва FIGO таснифларини қўллаган ҳолда ултратовуш ва гистопатологик маълумотлар асосида қалқонсимон без ва бачадон тугунларининг морфологик хусусиятларини баҳолаш;

қалқонсимон без ва бачадонда тугунли ҳосилаларнинг мавжудлиги ва жойлашувига қараб гормонал кўрсаткичлар профилини (ТТГ, эркин Т4, ТПОга антитаначалар, ЛГ, ФСГ, ССБГ, прогестерон, эстрадиол) баҳолаш;

турли тадқиқот гуруҳларидаги беморларда ангиоген ва яллиғланиш олди маркерлари (VEGF-D, TNF- $\alpha$ ) даражасининг клиник ва гормонал хусусиятлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

кўп омилли таҳлил ва хавфни стратификациялаш йўли билан қалқонсимон без ва бачадоннинг ассоциацияланган тугун ҳосил бўлишининг аҳамиятли клиник-диагностик предикторларини аниқлаш;

шифокор-эндокринологлар ва гинекологлар фойдаланиши учун мўлжалланган қалқонсимон без ва бачадон тугунли ҳосилалари бўлган беморларни олиб боришнинг диагностик-прогностик алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида скрининг босқичида тадқиқот объекти сифатида 2022–2023 йиллар давомида акад. Ё.Х. Туракулов номидаги

РСНПМЦЭ ҳамда РСНПМЦАиГ муассасаларига мурожаат қилган қалқонсимон без ва/ёки бачадонда тугунсимон ҳосилалари мавжуд бўлган 1600 нафар аёллар ўрганилди. Тадқиқотнинг кейинги босқичи учун эса, қалқонсимон без тугунсимон ҳосилалари ва/ёки бачадон миомаси аниқланган 301 нафар аёл танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник маълумотлар, ҚБ ИИАБ, биокимёвий, гормонал, ангиоген, яллиғланиш олди маркерлари ва инструментал тадқиқотлар ва йодурия натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, гормонал, инструментал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумий патогенетик механизмлари, жумладан, аутоиммун яллиғланишнинг фаоллашиши, гормонал номутаносиблик, ангиогенезнинг кучайиши, тизимли яллиғланиш реакцияси ва метаболик бузилишлар асосида қалқонсимон без ва бачадонда тугун ҳосил бўлиши ўртасидаги боғлиқлик асосланган;

демографик, антропометрик, ултратовуш (TIRADS, FIGO), гормонал (ТТГ, қалқонсимон без ва жинсий гормонлар, аутоантитаначалар), биомаркер (VEGF-D, TNF- $\alpha$ , С-реактив оксил) ва корреляция параметрлари бирлаштирилган бўлиб, қалқонсимон без ва бачадон тугунларининг бирикиши хавфини миқдорий баҳолаш асосида кенг қамровли прогностик алгоритми такомиллаштирилган;

қўшма патологияси бўлган беморларда касалликнинг частотаси тугунли патологиянинг изоляция қилинган шаклларига қараганда 2-3 баравар юқори бўлиб, қўшма тугунли патологиянинг мустақил патологик статусини тасдиқлайдиган тиреоид ва репродуктив бузилишлар билан яқолроқ тавсифланиши исботланган;

қўшма тугунли патология ривожланишининг муҳим клиник ва диагностик башорат қилувчи – ёши  $\geq 45$  ёш, тана массаси индекси  $\geq 30$  кг/м<sup>2</sup>, VEGF-D  $> 500$  пг/мл, TNF- $\alpha$   $> 1,5$  пг/мл, С-реактив оксил  $> 15$  мг/л, эстрадиол даражаси  $> 700$  пмол/л ва ТПО антитаначалари  $> 80$  мМЕ/л каби прогностик омиллар аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

1600 нафар аёлни қамраб олган скрининг натижалари асосида қалқонсимон без тугунлари ва бачадон миомасининг изоляцияланган ҳамда биргаликда учраш ҳақиқий частоталари минтақавий популяция учун аниқлаштирилди, бу эса хавф гуруҳларини асосли шакллантириш ва скрининг ҳажмини режалаштириш имконини берган;

энг юқори симптоматик юклама ва биргаликдаги тугун ҳосил бўлиш билан боғлиқ клинко-демографик, гормонал ва биомаркер профиллари аниқланди, бу эса мақсадли текширув ва междисциплинар кузатишга муҳтож бўлган бемор аёлларни эрта идентификация қилиш имкониятини яратган;

ишлаб чиқилган логистик моделлар (ROC-AUC 0,84–0,87) ва улар асосида яратилган балл тизими ва веб-калькуляторни ўз ичига олган алгоритм бирламчи ва ихтисослаштирилган бўғин даражасида қалқонсимон без тугунлари ва бачадон миомаси бўйича хавфни стандартлаштирилган тарзда стратификация қилиш учун амалий восита бўлиб хизмат қилади, бу эса гипер- ва гиподиагностика хавфини камайтиришга хизмат қилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи умумклиник, биокимёвий, гормонал, инструментал, морфологик ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, олинган натижалар хорижий ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлигини, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти қалқонсимон без ва бачадондаги алоҳида ривожланган ҳамда биргаликдаги тугун ҳосил бўлиш патогенезини гормонал, ангиоинфламатор ва морфологик кўрсаткичларни интеграл таҳлил қилиш орқали аниқлаш, шунингдек VEGF-D, TNF- $\alpha$ , гомоцистеин ва жинсий стероидларни ушбу ҳолатларнинг предикторлари сифатида миқдорий баҳолаш билан ифодаланади. Ишлаб чиқилган кўп омилли хавф моделлари аёллар эндокрин тизимининг коморбид яхши сифатли патологиясига нисбатан персоналлаштирилган ёндашувнинг назарий асосларини чуқурлаштириши билан изоҳланган.

Амалий аҳамияти қалқонсимон без тугунсимон ҳосилалари ва бачадон миомаси учун кўп босқичли хавф стратификацияси алгоритмини яратиш, асосий гормонал ва биомаркер кўрсаткичлар (VEGF-D, TNF- $\alpha$ , гомоцистеин, тиреоид ва жинсий гормонлар) чегаравий қийматларини қўллаган ҳолда УЗИ, ТАБ ва междисциплинар консилиумга йўналтиришни асослаш ҳамда веб-калькулятор орқали скрининг ва беморларни стандартлаштирилган, персоналлаштирилган тарзда юритишни енгиллаштиришда намоён бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қалқонсимон без ва бачадон тугунли ҳосилалари бўлган беморларни ўз вақтида ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* умумий патогенетик механизмлари, жумладан, аутоиммун яллиғланишнинг фаоллашиши, гормонал номутаносиблик, ангиогенезнинг кучайиши, тизимли яллиғланиш реакцияси ва метаболик бузилишлар асосида қалқонсимон без ва бачадонда тугун ҳосил бўлиши ўртасидаги боғлиқлик асосланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 10 июлда 4-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без ва бачадон тугунларини эрта ташхислаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИИАТМЭ бўйича 10.07.2024 йилдаги 195-сон, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси бўйича 04.07.2024 йилдаги 79-и-сон ва Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 03.07.2024 йилдаги 95/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/40-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* аёлларда қалқонсимон без ва бачадон тугунли ҳосилаларини эрта ташхислаш вазифаси билан скрининг дастурларини ўтказиш орқали ҳудудларда уларни келгусида такрорланиши бўйича тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* клиник, визуализацион ва гормонал кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали фаол скрининг йўли билан аёлларда қалқонсимон без ва бачадон тугунли ҳосилаларининг мавжудлигини эрта

босқичларда мақсадли излаш ушбу патологиянинг бошқа асоратлари ўсишини камайтириш туфайли беморларни эрта босқичида амбулатория шароитида даволаниши натижасида мазкур касалликни стационар шароитида даволаниши учун сарфланадиган маблағ 3-5 баробар иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* демографик, антропометрик, ултратовуш (TIRADS, FIGO), гормонал (ТТГ, қалқонсимон без ва жинсий гормонлар, аутоантитаначалар), биомаркер (VEGF-D, TNF- $\alpha$ , С-реактив оксил) ва корреляция параметрлари бирлаштирилган бўлиб, қалқонсимон без ва бачадон тугунларининг бирикиши хавфини миқдорий баҳолаш асосида кенг қамровли прогностик алгоритми такомиллаштирилганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 10 июлда 4-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без ва бачадон тугунларини эрта ташхислаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМЭ бўйича 10.07.2024 йилдаги 195-сон, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси бўйича 04.07.2024 йилдаги 79-и-сон ва Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 03.07.2024 йилдаги 95/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/40-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қалқонсимон безда, бачадонда ассоциацияланган тугун ҳосил бўлиш ҳолатларини аниқлаш туфайли беморларда ўзига хос гормонал ўзгаришлар аниқланди ва эндокрин бузилишлар ривожланиш хавфини башорат қилишнинг тегишли усуллари ишлаб чиқилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ўзига хос гормонал ўзгаришларни аниқлаш ва уларнинг турли хил эндокринопатиялар билан боғлиқлиги эндокрин бузилишлар ривожланиш хавфини башорат қилишнинг тегишли усуллари ишлаб чиқиш орқали нейроэндокрин асоратларни олдини олиш натижасида мазкур касалликни стационар шароитида даволаниши учун сарфланадиган маблағ 2-4 баробар иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* қўшма патологияси бўлган беморларда касалликнинг частотаси тугунли патологиянинг изоляция қилинган шаклларига қараганда 2-3 барабар юқори бўлиб, қўшма тугунли патологиянинг мустақил патологик статусини тасдиқлайдиган тиреоид ва репродуктив бузилишлар билан яқолроқ тавсифланиши исботланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 10 июлда 4-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без ва бачадон тугунларини эрта ташхислаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМЭ бўйича 10.07.2024 йилдаги 195-сон, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси бўйича 04.07.2024 йилдаги 79-и-сон ва Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 03.07.2024 йилдаги 95/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/40-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* клиник, гормонал ва МРТ маълумотларини таҳлил қилиш асосида эндокрин асоратларни эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш орқали уни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш зарурати исботланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* клиник, гормонал ва бошқа маълумотларни таҳлил қилишга асосланган асоратларни эрта ташхислаш

алгоритми эндокринопатия маълумотларини самарали ташхислаш ва компенсация қилиш имкониятларини сезиларли даражада ошириши орқали ўсиш гормони етишмовчилигини олдини олиш натижасида мазкур касалликни стационар шароитида даволаниши учун сарфланадиган маблағ 7 баробар иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* қўшма тугунли патология ривожланишининг муҳим клиник ва диагностик башорат қилувчи – ёши  $\geq 45$  ёш, тана массаси индекси  $\geq 30$  кг/м<sup>2</sup>, VEGF-D  $> 500$  пг/мл, TNF- $\alpha$   $> 1,5$  пг/мл, С-реактив оқсил  $> 15$  мг/л, эстрадиол даражаси  $> 700$  пмол/л ва ТПО антитаначалари  $> 80$  мМЕ/л каби прогностик омиллар аниқланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 10 июлда 4-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без ва бачадон тугунларини эрта ташхислаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИИАТМЭ бўйича 10.07.2024 йилдаги 195-сон, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси бўйича 04.07.2024 йилдаги 79-и-сон ва Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 03.07.2024 йилдаги 95/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 29/40-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қалқонсимон без ва бачадонда ассоциацияланган тугун ҳосил бўлиши ривожланишининг хавф омилларини баҳолаш туфайли биз ушбу услубий тавсияларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида кенг жорий этиш учун оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мамлакатимизда эрта эндокрин бузилишларни аниқлаш бўйича янги инновацион технологиялардан кенг ва доимий фойдаланиш гипоталамо-гипофизар-периферик ўқнинг етакчи кўрсаткичларини мониторинг қилиш натижаларининг имкониятлари ва самарадорлиги сезиларли даражада ошириши орқали. қалқонсимон без ва бачадон тугунли ҳосилаларининг эрта ва кечки босқичларида гормонал бузилишларни олдини олиш натижасида мазкур касалликни стационар шароитида даволаниши учун сарфланадиган маблағ 7 баробар иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, туртта боб, ҳулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Қалқонсимон без ва бачадон тугунларининг этиопатогенези, диагностикаси ва хавф омиллари масаласининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида қалқонсимон без ва бачадондаги тугунли ҳосилаларнинг эпидемиологияси, патогенези ва ташғисланиши бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинди. Умумий патогенетик механизмлар – гормонал дисбаланс, сурункали яллиғланиш, ангиогенезнинг (VEGF-D, TNF- $\alpha$ ) фаоллашуви, метаболик ва эпигенетик бузилишлар кўриб чиқилди. Гипоталамус-гипофиз-қалқонсимон без-тухумдонлар ўқи бўйича тизимлараро ижро алоқалари баён этилди. Қўшма патологияли бемор аёлларни хавфни стратификация қилиш ва персоналлаштирилган тарзда юритишда замонавий диагностик стратегиялар (TI-RADS, FIGO), биомаркерлар ва кўп омилли моделларнинг ўрни таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қалқонсимон без ва бачадон тугунли ҳосилалари бўлган аёллар контингенти тўғрисида маълумотлар келтирилган, шунингдек қўлланилган клиник-инструментал ва лаборатория тадқиқот усуллари батафсил тавсифланган. Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази поликлиникасида ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида 2022 йилдан 2024 йилгача 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган 1600 нафар қалқонсимон без ва бачадон тугунлари бўлган аёллар текширувдан ўтказилди.

Иш 3 босқичда амалга оширилди:

**I босқич** – бачадон тугунлари билан қалқонсимон без тугунлари бўлган беморларни скрининг қилиш ва танлаш. Жами 1600 нафар бемор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги акад. Ё. Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази поликлиника шароитида кўрикдан ва текширувдан ўтказилди.

**II босқич** – 1600 нафар текширилган беморлар орасидан 3 гуруҳ беморлар танлаб олинди:

1-гуруҳ - фақат бачадонида тугунлари бўлган 100 нафар бемор;

2-гуруҳ – бачадон миомаси ва қалқонсимон без тугуни бўлган 100 нафар бемор;

3-гуруҳ - қалқонсимон без тугунли ҳосилалари бўлган 101 нафар бемор.

**III босқич.** 3 гуруҳдаги 301 нафар беморда махсус тадқиқотлар ўтказилди:

1. Клиник, антропометрик ва лаборатор кўрсаткичлар, шунингдек қалқонсимон без ва бачадоннинг функционал ҳолатини ўрганиш (УЗИ, кўрсатмалар бўйича қалқонсимон безнинг юпқа игнали аспирацион биопсияси).

2. ТТГ, эркин тироксин, ҚТПОга қарши антителолар, ЛГ, ФСГ, прогестерон, Э2, ГСПГ даражалари, шу билан бирга VEGF-D, TNF- $\alpha$  ва гомоцистеин каби иммунологик маркерларни аниқлаш.

**Кириштиш меъзонлари:** 18–55 ёшли аёллар; қалқонсимон без тугунлари ва/ёки бачадон миомаси (I босқич); қалқонсимон без тугунлари ва/ёки бачадон миомаси (II босқич).

**Тадқиқотдан чиқариш меъзонлари:** ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги 6 ойгача бўлган давр; оғир ўткир/сурункали ҳамроҳ гинекологик касалликлар; тизимли касалликлар; сўнгги 6 ой ичида гормонал препаратлар қабул қилиш; оғир камқонлик; ўткир яллиғланиш жараёни; сўнгги 12 ой мобайнида қалқонсимон без ёки бачадонда ўтказилган жарроҳлик амалиёти.

Тадқиқот дизайни 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Тадқиқот дизайни**

Миқдорий маълумотлар нормал тақсимот шароитида  $M \pm SD$  кўринишида, нормал эмас тақсимот ва тартибий белги ҳолатида медиана ҳамда кватриллар оралиқ диапазони (IQR) билан ифодаланди, сифат кўрсаткичлари эса мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар кўринишида берилди. Гуруҳлараро таққослаш учун нормал тақсимотда Стьюдент t-критерия, нормал бўлмаганс тақсимотда эса параметрик бўлмаган Mann–Whitney ва Kruskal–Wallis тестлари, категориал ўзгарувчилар учун зарурат туғилганда тузатмалар билан  $\chi^2$  критерий қўлланилди. Гормонал, ангиоинфламатор ва визуализация кўрсаткичлари (TI-RADS, FIGO) ўртасида Спирмен/Пирсон коэффицентлари ёрдамида корреляция таҳлили ўтказилди, бундан ташқари кўп омилли мултиномиал ва бинар логистик регрессия бажарилиб, нисбий хавф (OR) ва 95% ишонч интерваллари ҳисоблаб чиқилди. Интеграл балл шкаласи учун биомаркерларнинг чегаравий қийматлари ROC-таҳлил орқали, максимал

Youden индексига мос келувчи cut-off нукталарини танлаш йўли билан аниқланиб, вазн коэффициентлари регрессия моделларидаги  $\beta$ -коэффициентларга мутаносиб равишда белгилаб олинди. Прогностик моделлар аниқлиги ROC-кривалар орқали (AUC, 95% ишонч интерваллари, сезгирлик, спецификлик) баҳоланди, статистик қайта ишлаш Microsoft Excel, STATISTICA 6 ва махсус дастурий пакетлар ёрдамида амалга оширилиб, аҳамиятлилиқ даражаси  $p < 0,05$  сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи «Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш» бобида қалқонсимон без ва бачадондаги тугунли ҳосилалар бўйича ташхисланган 18–55 ёшдаги 1600 нафар аёлга ўтказилган скрининг натижалари келтирилган.

Аниқланган патологиялар орасида алоҳида бўлган гинекологик касалликлар (44,8%) устун бўлиб, улар орасида асосий ўринни бачадон миомаси (31,5%) эгаллади; қалқонсимон без касалликлари 30,6% беморларда, биргаликдаги патология эса 22,6% ҳолларда қайд этилди, бу гуруҳдаги касалларнинг 71,1% ни бачадон миомаси ва қалқонсимон без тугунларининг комбинацияси ташкил этди.

Клинико-демографик тавсифнома шундани далолат берадики, барча клиник гуруҳлар кеч репродуктив ва перименопаузал даврга тўғри келади, миома ва тугунлар биргаликда учрайдиган аёллар алоҳида миомаси бўлган беморларга нисбатан биров катта ёшда, энг яққол фарқ эса биргаликдаги гуруҳ билан назорат ўртасида ( $p < 0,001$ ), шунингдек фақат ҚБ тугунлари бор беморлар ва назорат ўртасида ( $p = 0,035$ ) кузатилган. «Шаҳар/қишлоқ» тақсимооти бир хил характерга эга эди ( $p = 0,89$ ). Барча клиник гуруҳларда ТВИ назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлиб, энг катта қиймат алоҳида қалқонсимон без тугунларида (30,4) кузатилди, миома ва тугунлар биргаликдаги гуруҳида эса ТВИ 27,3 даражасида изоҳланган, умумий ТВИ фарқи юқори даражада ишончли ( $p < 0,001$ ) бўлиб, тугунлар гуруҳидаги қиймат миома ва биргаликдаги патологияга нисбатан юқорироқ эди. Артериал гипертензия сони 10% дан 20–30% гача, дислипидемия эса назоратдаги 30% га қарши 45–53% гача ўсган, бироқ бу фарқлар статистик аҳамият даражасига етмаган. СЧС ва ПМС миома ва тугунлар биргаликдаги гуруҳида сезиларли равишда кўпроқ (45% га қарши 30–27,7%;  $p = 0,03$ ) учраган, камқонлик эса асосан миомада (18%) ва биргаликдаги патологияда (24%) назорат (5%) ва фақат тугунлар (9,9%) гуруҳларига нисбатан юқори бўлиб, бу ҳолат меноррагияларнинг аҳамиятли ҳиссасини акс эттиради. Умуман, барча клиник фенотиплар учун метаболик жиҳатдан ноқулай замин хос бўлиб, биргаликдаги патологияда симптомлар профили анча оғир, изоляцияланган қалқонсимон без тугунларида эса ТВИ энг юқори кўрсаткичларга етади.

Тадқиқот қилинган гуруҳлар орасида гинекологик ва репродуктив бузилишлар бўйича энг муҳим натижалар миома ва қалқонсимон без тугунлари биргаликда учрайдиган аёлларда иккиламчи аменорея (16%), дисменорея (12%), гиперменорея (8%), фолликул персистенцияси (18%), бирламчи (5%) ва иккиламчи (9%) беқарорлик ҳамда либидо пасайиши (19%) кескин ошиши бўлди; бу кўрсаткичлар алоҳида шакллардагидан 2–3 баробар юқори экани аниқланди. Бундай беморларда, шунингдек, ифодаланган метаболик бузилишлар ва тизимли яллиғланиш даражасининг юқорилиги қайд этилди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ўрганилган гуруҳларда гормонал статусни баҳолаш амалга оширилди ва 1-жадвалда бемор аёлларнинг гормонал тавсифи келтирилган.

Гормонал статусни таҳлил қилиш босқичида гуруҳлар ўртасида аниқ ифодаланган фарқлар аниқланиб, ўзига хос клинико-гормонал фенотиплар шаклланиши намоён бўлди. Алоҳида миома гуруҳида анти-ТПО ва анти-ТГ даражалари меъёр доирасида (мос равишда 26 ва 101) сақланган бўлса, қалқонсимон без тугунлари (миома билан ва ундан мустақил ҳолда) мавжуд бўлган гуруҳларда ҳар икки маркернинг сезиларли ошиши (анти-ТПО 88 ва 86; анти-ТГ 177 ва 156;  $p_{1-2}<0,001$ ;  $p_{1-3}<0,001$ ) тиреоид функцияси сақланган шароитда (ТТГ 2,8–3,1; эркин Т4 1,01–1,04;  $p>0,1$ ) кузатилиб, субклиник аутоиммун тиреоидитдан далолат беради.

#### 1-жадвал.

#### Ўрганилган гуруҳларни гормонал тавсифи

Кўрсаткич	Назорат (n=20)	Миома (n=100)	Миома + ҚБ туғуни (n=100)	ҚБ туғуни (n=101)	p
АТ-ТПО, мМЕ/л (норма <35)	24,1 [17,1; 29,3]	26 [17,7; 54,3]	88 [47,5; 242,5]	86 [49; 224,5]	$p<0,001$ ; $p_{1-2}<0,001$ ; $p_{1-3}<0,001$
ТТГ, мМЕ/л (норма 0,4– 4,0)	2,3 [1,1; 3,4]	2,8 [1,9; 3,6]	2,9 [1,9; 4,1]	3,1 [2,0; 4,6]	$p=0,133$
эТ4, нг/дл (норма 0,8– 1,8)	1,2 [0,9; 1,3]	1,04 [0,98; 1,35]	1,01 [0,90; 1,30]	1,02 [0,92; 1,30]	$p=0,103$
АТ-ТГ, МЕ/мл (норма <100)	87,3± 12,8	101,0±98,5	177,0±122,4	156,0±128,9	$p<0,001$ ; $p_{1-2}<0,001$ ; $p_{1-3}<0,001$
ЛГ, мМЕ/мл (норма 2,4– 12,6)	5,6±4,5	13,8±9,4	16,5±8,2	11,2±8,6	$p=0,015$ ; $p_{1-2}=0,035$ ; $p_{2-3}=0,010$
ФСГ, мМЕ/мл (норма 3,5– 12,5)	4,3 [3,7-7,2]	14,2 [9,6; 22,8]	18,4 [11,5; 30,6]	12,8 [8,4; 19,5]	$p=0,020$ ; $p_{1-2}=0,015$ ; $p_{2-3}=0,025$
Эстрадиол, пмоль/л (норма 73– 506)	240±125	380±120	420±160	180±120	$p<0,001$ ; $p_{1-3}<0,001$ ; $p_{2-3}<0,001$
Прогестерон, нг/мл (норма 0,2–1,4)	1,0 [0,6; 1,3]	1,1 [0,6; 2,2]	1,4 [0,7; 2,9]	0,4 [0,2; 0,9]	$p<0,001$ ; $p_{1-2}=0,045$ ; $p_{1-3}<0,001$ ; $p_{2-3}<0,001$
ССБГ, нмоль/л (норма 32,4– 128,0)	58,5±14,3	68,50±22,3	58,40±28,1	72,80±24,6	$p=0,010$ ; $p_{1-2}=0,030$ ; $p_{2-3}=0,003$

Изоҳ: статистик аҳамият даражаси  $p<0,05$  сифатида қабул қилинди. Жадвалда фақат жуфт гуруҳлар ўртасидаги статистик аҳамиятли  $p$  қийматлари келтирилган; аҳамиятли бўлмаган фарқлар алоҳида кўрсатилмаган. Назорат гуруҳи билан таққослаш аниқ ифодаланган фарқлар сабабли амалга оширилмади.

ЛГ ва ФСГ даражаси энг юқори кўрсаткичларга миома ва қалқонсимон без тугунлари биргаликда учрайдиган гуруҳда (16,5 ва 18,4), ўртача даражага миома гуруҳида (13,8 ва 14,2) ва энг паст қийматларга фақат қалқонсимон без тугунлари бўлган аёлларда (11,2 ва 12,8;  $p \leq 0,02$ ) эга бўлиб, бу биргаликдаги патология гуруҳида тухумдон дисфункцияси янада яққолроқ ифодаланганини кўрсатади. Эстрадиол (380 ва 420 пмоль/л ҚБ тугуни гуруҳдаги 180 пмоль/л га нисбатан;  $p < 0,001$ ) ва прогестерон (1,1 ва 1,4 нг/мл узелли гуруҳдаги 0,45 нг/мл га нисбатан;  $p < 0,001$ ) миома ва унинг биргаликдаги шаклларида ошган бўлиб, лейомиоманинг эстроген-прогестерон-боғлиқ табиатини тасдиқлайди. ГСПГ (СССГ) миомада (68,5) ва айниқса биргаликдаги патологияда (58,4) қалқонсимон без тугунлари гуруҳига (72,80;  $p \leq 0,03$ ) нисбатан пасайгани инсулинрезистентлик ва метаболик жихатдан ноқулай замин, шунингдек эркин жинсий стероидлар улушининг ортиши билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ўрганилган гуруҳларда умумий гомеостаз ҳолатини баҳолаш амалга оширилди. 2-жадвалда беморларнинг биокимёвий таҳлил натижалари келтирилган.

Келтирилган жадвал маълумотларидан аниқ градиент кўзга ташланади: назорат гуруҳидан лоҳида миомага, ундан кейин миома ва қалқонсимон без тугунлари биргаликда учрайдиган ҳолатга ҳамда фақат ҚБ тугунли шаклларга ўтган сари ангиоген, яллиғланиш ва эндотелиал бузилишлар даражаси босқичма-босқич ортиб боради, энг юқори чўққиси эса биргаликдаги патологияда кузатилади. VEGF-D миқдори назоратдаги  $48 \pm 12$  пг/мл дан миомада  $125 \pm 35$  пг/мл ва миома+ҚБ тугунларида  $168 \pm 48$  пг/мл гача ошиб, ангиогенез фаоллашувини акс эттиради. TNF- $\alpha$  ва СРО ҳам ўхшаш тенденцияни намоён қилади: назоратда  $2,5 \pm 0,8$  пг/мл ва  $2,1 \pm 0,9$  мг/л бўлган қийматлар алоҳида шаклларда 5,2–4,8 пг/мл ва 8,5–7,8 мг/л гача ўсиб, биргаликдаги патологияда  $7,5 \pm 2,5$  пг/мл ва  $10,2 \pm 5,1$  мг/л чегараларига етади, бу сурункали яллиғланиш кучайишидан далолат беради.

Гомоцистеин даражаси  $8,2 \pm 2,0$  мкмоль/л дан 11,8–12,2 ва  $14,5 \pm 4,0$  мкмоль/л гача ортиб, эндотелиал дисфункциянинг янада яққолроқ ифодаланишини кўрсатади. Шу билан бирга, сийдикда йод даражаси назорат ва миома гуруҳларида етарли ( $125 \pm 28$  ва  $128 \pm 32$  мкг/л) сақланса-да, қалқонсимон без тугунлари бор аёлларда  $98 \pm 18$  ва  $93 \pm 16$  мкг/л гача пасайиб, тиреоид тугун ҳосил бўлиши нисбий енгил йод танқислиги билан боғлиқлигини, миома учун эса бундай қонуният кузатилмаслигини таъкидлайди.

Тадқиқот режасига мувофиқ, қалқонсимон без тугунлари TI-RADS классификацияси бўйича, бачадон миомаси турлари эса FIGO классификацияси асосида тақсимланди. Ўрганилган гуруҳларда қалқонсимон без тугунларининг TI-RADS тизими бўйича тарқалиши 3-жадвалда келтирилган.



**2-жадвал.****Тадқиқотдаги гуруҳларда тизимли яллиғланиш, ангиогенез ва йод статуси кўрсаткичлари**

Кўрсаткич	Назорат (n=20)	Бачадон миомаси (n=100)	Бачадон миомаси + ҚБ тугунлари (n=100)	ҚБ тугунлари (n=101)	P
<b>VEGF-D, 79 пг/мл гача</b>	48±12	125±35	168±48	95±28	p<0,001, P <sub>1-2</sub> <0,001, P <sub>1-3</sub> =0,005, P <sub>2-3</sub> <0,001
<b>TNF-α, &lt;8,1 пг/мл</b>	2,5±0,8	5,2±1,8	7,5±2,5	4,8±1,5	p<0,001, P <sub>1-2</sub> <0,001, P <sub>1-3</sub> =0,024, P <sub>2-3</sub> <0,001
<b>СРО, &lt;5 мг/л</b>	2,1±0,9	8,5±4,2	10,2±5,1	7,8±3,5	p<0,001, P <sub>2-3</sub> =0,035
<b>Гомоцистеин, 5- 12 мкмол/л</b>	8,2±2,0	11,8±3,2	14,5±4,0	12,2±3,5	p<0,001, P <sub>1-2</sub> <0,001, P <sub>2-3</sub> =0,001
<b>Сийдикдаги йод, 90-150 мкг/л</b>	125±28	128±32	98±18	93±16	p<0,001, P <sub>1-2</sub> <0,001, P <sub>1-3</sub> <0,001, P <sub>2-3</sub> =0,042

*Изоҳ: статистик аҳамият даражаси  $p<0,05$  сифатида қабул қилинди. Жадвалда фақат жуфт гуруҳлар ўртасидаги статистик аҳамиятли  $p$  қийматлари келтирилган, аҳамиятли бўлмаган фарқлар алоҳида кўрсатилмаган.*

**3-жадвал.****Қалқонсимон без тугунларининг TI-RADS тизими бўйича тақсимланиши тадқиқотдаги гуруҳларда**

№	Категория	Миома + ҚБ тугуни (n=100)	ҚБ тугуни (n=101)
1	TI-RADS I	15 (15,0%)	10 (9,9%)
2	TI-RADS II	49 (49,0%)	38 (37,6%)
3	TI-RADS III	28 (28,0%)	35 (34,7%)
4	TI-RADS IV	8 (8,0%)	18 (17,8%)

TI-RADS бўйича тақсимот таҳлили миома ва қалқонсимон без тугунлари биргаликда учрайдиган гуруҳда ҳам, алоҳида тугунли гуруҳда ҳам асосан II–III тоифадаги тугунлар устунлигини кўрсатди: мос равишда 77% ва 73%, бу, асосан, яхши сифатли тугунли патология устуворлигини ҳамда намуна онкохавфнинг юқори даражаси бўйича махсус танланмаганини акс эттиради. TI-RADS IV улуши алоҳида тугунли гуруҳда юқорироқ (17,8% га қарши биргаликдаги патологияда 8,0%) бўлиб, миома мавжудлиги ультратовушда онкологик ёмон аломатлар улушини оширади деган тахминни тасдиқламайди. Бу эса биргаликдаги гуруҳда VEGF-D, TNF-α, СРО, гомоцистеин ва жинсий гормонлар даражалари юқорилигини, асосан, тизимли гормонал-метаболик ва аутоиммун-яллиғланиш механизмлари ифодаси сифатида талқин этишга,

структура жихатдан шубҳали тугунлар частотасининг кўпайишининг оқибати сифатида кўришга имкон беради.

ИИАБ натижаларига (ҳар икки гуруҳда 18 тадан бемор) кўра, ҳар икки кичик гуруҳда таркибида яхши сифатли вариантлар устун бўлди: алоҳида тугунлар гуруҳида умумий 75,0% ҳолат коллоид тугунлар ва фолликуляр аденомалар ҳиссасига тўғри келиб (мос равишда 41,7% ва 33,3%), биргаликдаги патология гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 61,1% ни (33,3% ва 27,8%) ташкил этди. Миома ва тугунлар биргаликда учраган гуруҳда папилляр рак улушининг бироз юқорилиги (22,2% га қарши 16,7%) ва ягона медулляр рак ҳолати (5,6%) қайд этилган бўлиб, морфологик спектрнинг турли хиллиги билан ифодаланган, аммо танлама ҳажмининг кичиклиги туфайли онкологик хатарнинг ишончли ошиши ҳақида гапириш имконини бермайди ва кўпроқ системли гормонал-метаболик ҳамда аутоиммун бузилишлар фонида тугунларнинг ўзгарувчан фенотиби шаклланишини кўрсатади.

FIGO классификациясига мувофиқ тадқиқотдаги гуруҳларда бачадон миомаси турларининг тақсимланиши 4-жадвалда келтирилган.


**4-жадвал.**

**Тадқиқотдаги гуруҳларда FIGO классификацияси бўйича бачадон миомаси турларининг тақсимланиши**

<b>FIGO тури</b>	<b>Миома (n=100)</b>	<b>Миома + ҚБ тугунлари (n=100)</b>
0	0 (0,0%)	3 (3,0%)
1	5 (5,0%)	14 (14,0%)
2	10 (10,0%)	14 (14,0%)
3	12 (12,0%)	9 (9,0%)
4	19 (19,0%)	13 (13,0%)
5	22 (22,0%)	18 (18,0%)
6	20 (20,0%)	9 (9,0%)
7	13 (13,0%)	13 (13,0%)
8	0 (0,0%)	0 (0,0%)

